



ТИЛДА ТОВУШЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зияев Аваз Ихтиёрович

Қўқон давлат педагогика институти, инглиз тили ва адабиёти
кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Дилобар Азимова

Қўқон давлат педагогика институти докторанти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8137494>

ARTICLE INFO

Received: 04th July 202

Accepted: 10th July 2023

Online: 11th July 2023

KEY WORDS

Унли товуш, ундош товуш,
номема, бир бўғинли сўзлар,
кўп бўғинли сўзлар, урғу,
бўғин, сонорлик,
жаранглилик, жарангсизлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада тилда унли ва ундош товушларнинг
вужудга келиши ва уларнинг ўзига хос
хусусиятларига эътибор қаратилади. Оддий
мантиқий асосга кўра, сўзнинг ифода томони
дастлаб бир товушдан, сўнг икки товушдан, ундан
сўнг уч товушдан каби ҳосил этила борганлиги.
номема бир ёки икки товушдан иборат бўлганда, уни
талаффуз этиш қийин бўлмаганлиги, аммо уч, тўрт
товушдан ташкил топа бошлаганда, уни айтишда
қийинчиликлар туғила бошлаганлиги хусусида
атрофлича фикр юритади.

Маълумки, дастлабки одамлар борлиқдаги бирор предмет ёки ҳодисани
кўрсатиш, ифодалаш учун муайян товуш (шовқин) ёки товушлар комплексидан
фойдаланишган. Дейлик, тоғни кўрсатиш, ифодалаш учун “Ўў!” товушини қўллаган. Бу
товуш ўша даврда дастлаб сўз-гапга тенг бўлган. Зеро, у тоғ ҳақидаги хабарни
(тасдиқни, предикацияни) ифодалаган. Айни пайтда “Ўў!” одам хотирасида тоғ
ҳақидаги тушунчанинг шартли белгиси сифатида сақланиб қола бошлаган. Бошқача
айтганда, “Ўў!” жумласидан (гапидан) “ўў” сўзи вужудга келган: Ўў! → “ўў”. Кейинги
сафар яна тоғ ҳақидаги фикрни ифодалаш эҳтиёжи туғилганда, хотирадаги абстракт
бирлик “ўў” сўзи “Ўў!” гапига (жумлага) айлантирила бошлаган [3; 24-28].

Ўз-ўзидан маълумки, одам онгида янги тушунчаларнинг узлуксиз вужудга келиш
жараёни товуш-гапларнинг янги турларини шакллантириш эҳтиёжини келтириб
чиқарган. Бу, ўз навбатида, янги, хилма-хил товушларни ҳосил қилиш заруриятини
келтириб чиқарган. Ушбу зарурият эса кишиларнинг ўз нутқ аппарати ишини
рангбаранглаштириш вазифасини кун тартибига қўйган.

Албатта, дастлабки товуш – жумлалар, бунда унли ва ундош товушларнинг
иштироки ёхуд дастлабки бобо тилдаги сўзнинг ифода (номема) томонлари муаммоси
фонетик этимология фанининг тадқиқ предметига киради. Бу фаннинг ютуқлари
белгишунослик фанининг ҳам тараққиётига хизмат қилади.

Сўзнинг товуш томони (ифодаловчиси, номемаси) ҳақида гап кетар экан, албатта,
унинг оддийдан мураккабга томон ҳосил қилинган фонетик-фонологик қурилма
эканлигини сезиш қийин эмас. Оддий мантиқий асосга кўра, шуни айтиш мумкинки,



сўзнинг ифода томони дастлаб бир товушдан, сўнг икки товушдан, ундан сўнг уч товушдан каби ҳосил этила борган. Номема бир ёки икки товушдан иборат бўлганда, уни талаффуз этиш қийин бўлмаган. Аммо уч, тўрт товушдан ташкил топа бошлаганда, уни айтишда қийинчиликлар туғила бошлаган. Масалан, коммуникация жараёнида *она* сўзи таркибидаги ҳар бир товушни алоҳида-алоҳида айтиш нисбатан қийин ва кўп вақтни олади. Бу эса уни иккига, яъни *о-на* тарзида айтишга олиб келган. Шу асосда номема ёки ифодаловчи структурасини бўғинларга ажратиш юзага келган [3; 21-25].

Кўп бўғинли сўзларни аниқроқ талаффуз этиш эҳтиёжи эса урғу ҳодисасини шакллантирган. Зеро, бўғинларни бир хил оҳангда (тонда) айтиш, биринчидан, тингловчи ҳиссий қабулида бир хиллик (монотонлик)ни вужудга келтириб, диққатни сустрлаштириб юборса, иккинчи томондан, айрим бўғинларнинг ноаниқ айтилишига сабаб бўлади. Ана шу салбий ҳолат сўзнинг ҳар бир бўғинини ажратиш, уни бошқасидан айирган ҳолда талаффуз этиш вазифасини қўйган. Бу вазифа бўғинлардан бирининг бошқаларидан овоз кучи ёки оҳанги, мелодикаси билан ажратиб айтилиши асосида ҳал этилган. Бўғинлардан бирининг ажратилиши бошқа бўғинларнинг ҳам бирин-кетин, босқичли ажралишига асос бўлган. Шу йўл билан сўзда биринчи, иккинчи, учинчи каби даражали урғулар вужудга келган. Булар, ўз навбатида, ҳар бир ажратилган бўғиннинг аниқ талаффузи, эшитилиши учун замин яратган. Демак, бўғин ва урғу каби фонетик ҳодисалар нутқда сўзни акустик белги сифатида аниқ айтиш ва эшитиш эҳтиёжлари асосида вужудга келган [1; 14-18].

Сўз ифодаловчи (номема)сининг ҳосил қилинишида унли ва ундош товушларнинг ўзига хос ўрни, вазифаси бор [6; 22-26].

Унли (ун, овоз) товушларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар талаффузда чўзиқлик, қисқалик, ингичкалик, йўғонлик, баландлик, пастлик, оҳанг жиҳатдан товланиш каби хусусиятларга эга. Булар номемаларга ранг-баранг акустик белгилар бўлиб қўлланиш ва шу асосда асосий ва қўшимча маънолар (хабарлар) ифодалаш имкониятларини берган. Шунингдек, унли товушлар маъно (хабар)ни узоқроққа етказиш (чўзилиш хусусияти асосида), эстетик (ёқимли-ёқимсизлик) хусусиятини шакллантириш каби жиҳатларга ҳам эгадир. Буни ўзбек адабий тилидаги [Э] товуши мисолида кўриб чиқайлик. Бунда унинг фонетик, семантик, семиотик жиҳатларига диққат қиламиз.

Ўзбек тилида [Э] товуши, аввало, ҳис-ҳаяжон ифодаловчи ундов сўзнинг товуш томони бўлиб хизмат қилади. Руҳий ҳодиса бўлган эмоция билан акустик ҳодиса бўлган [Э] товуши орасида табиий боғланиш йўқ. Шу боисдан [Э] ундов сўзининг ифодаловчи ва ифодаланмишлари орасидаги боғланиш шартлидир.

Аввало, шуни айтишимиз керакки, соф ундов сўз товуш томонининг бир [Э] унлидан иборат эканлиги, унинг қисқарувчан-чўзилувчан (эластик)ликка эга бўлиши муайян ҳис-туйғунинг турли даражаларини ўзининг хилма-хил миқдорий ўзгаришларида кўрсата олиши, ситуацияларга хосланиб, ҳар хил ҳисларни ифодалай олишига асос бўлади.

Куйида [Э] шартли белгиси ёки товушининг ҳис-туйғуларни ифодалашдаги кўринишлари ёки фонетик шакллари келтириб ўтамиз:



- 1) қаттик, юқори даражада чўзиқ талаффуз этилади ва жаҳл қилиш ҳиссини ифодалайди: Э...мусулмонмисиз ўзи? (Неъмат Аминов, «Қаҳқаҳа»). Сўзлашув нутқида бунинг энг юқори даражасини учратиш мумкин: Сиз ҳам биз билан ишлар экансиз. – Э!... Эсини еганми у! каби.
- 2) қаттик, ўрта даражада чўзиқ талаффуз этилади ва жеркиш ҳиссини ифодалайди: Э, бор! – Баширжон унинг шляпага узатилган қўлини итариб ташлади. – Шундан бошқа гапинг йўқми? (Неъмат Аминов, « Қаҳқаҳа»).
- 3) қаттиқсимон, ўрта даражада чўзиқ талаффуз этилади ва ранжиш ҳиссини ифодалайди: Э, ана энди! Кўп бемаъни иш қилибсиз-да, ўғлим!
- 4) қаттиқсимон, қисқа даражада талаффуз этилади ва ташвишни ифодалайди: Э, ана холос! – деди Баширжон ташвишга тушиб. – Энди нима қилсам экан? (Неъмат Аминов, «Қаҳқаҳа»).
- 5) қаттиқлиги камроқ, чўзиқроқ талаффуз этилади ва ҳижолат ҳиссини ифодалайди: Э, овора бўлишнинг ҳожати йўқ эди-ку, деди шоир ҳижолат бўлиб. (Абдулла Қаҳҳор, «Картина»).
- 6) қаттиқ, қисқа талаффуз этилади ва идиомада ифодаланган салбий ҳисни янада кучайтиради: Э, ол-а! Ўзинг ҳам жа тажангсан-да! Ёш бўлгиси келса, нима қилсин бу шўрлик...(Ўткир Ҳошимов, «Нега? Нега?»).
- 7) юмшоқроқ, чўзиқ талаффуз этилади ва тасалли бериш ҳиссини ифодалайди: Э, одамнинг тушига нималар кирмайди? (Ўткир Ҳошимов, «Нега? Нега?»).
- 8) қисқа, юмшоқроқ талаффуз этилади ва таклифга хос бўлган ҳисни ифодалайди: Э, э, келинг, ўртоқ Умаров! – деди Шамси Тўраевич ўрнидан аранг кўзғалиб, - Қани марҳамат! (Неъмат Аминов, «Қаҳқаҳа»).
- 9) ялиниб – ёлвориш ҳиссини ифодалайди: «Э, художон, ўзинг осон қилгайсан» ни кеча-ю кундуз такрорлайверади (Неъмат Аминов, «Қаҳқаҳа»).
- 10) рад этиш ҳиссини ифодалайди: Э, йўқ, бу киши думғазага ўч!...(Н. Аминов «Қассоб шоир»).
- 11) миннатдорлик ҳиссини ифодалайди: Э, раҳмат, ўртоқ Дандонов. (Неъмат Аминов, «Бобик»).
- 12) ишонмаслик ҳиссини ифодалайди: Э, йўғ-е, ким деди? (Неъмат Аминов, «Муслим Алиевич кулибдилар»).
- 13) ажабланиш ҳиссини ифодалайди: Э, ҳа, Орзигул, - деди, - бу ерда нима килиб юрибсиз. Сиз шу ердამисиз?
- 14) қойил қолиш ҳиссини ифодалайди: Э, офарин, деб кулиб юборди Қурбонов. – Шу бир оғизгина жўжахўроз десангиз-ку бўлади. (Н. Аминов « Қаҳқаҳа»).
- 15) афсусланиш ҳиссини ифодалайди: Э, йўқ, амакижон, деди врач жувон афсус билан бош чайқаб, - бош врачимизни ишдан олишди. (Н. Аминов «Асабий кишилар»).
- 16) мақтаниш ҳиссини ифодалайди: Э, кўп олганмиз! – дедим мақтаниб. Бугун ҳам олдим ўттиз уч сўм. Кварталний мукофот. (Ўткир Ҳошимов «Телпак»).
- 17) ҳайдаш ҳиссини ифодалайди: Э, йўқол! – дедим алам билан. (Ўткир Ҳошимов, «Телпак») ва ҳоказо.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, ўзбек тилида Э ундов сўзи товуш томонининг ҳис (эмоция) ифодалаш имконияти ниҳоятда ранг-баранг [4; 3-6].



Маълумки, турли тилларда унлиларнинг миқдори ҳар хил [5; 32-34]. Албатта, унлиларнинг оз ёки кўп бўлиши ҳар бир тил номемалар тизимининг ўзига хослигини келтириб чиқаради. Агар унлилар оз бўлса, уларнинг вазифаларини унлиларга яқин бўлган овоздор (сонор) товушлар бажаради. Зеро, айрим ҳолатда сонорларнинг ҳам бўғин ҳосил қилиш имконияти борлиги маълум. Унлиларнинг кўп бўлиши улар асосида ундошлардан номемалар яшаш имкониятини оширади, паронимия ҳодисасига кенг йўл очади, тилнинг (нутқнинг) вокаллик, мусиқийлик, эстетик (ёқимлилик) хусусиятини шакллантиради.

Унли товушларнинг ҳар бир тилдаги номемалар ясалишидаги иштироки, вазифасини ўрганиш миллий тилшуносликларнинг долзарб муаммосидир. Бунда ҳар бир унли товушнинг (фонеманинг) номемалар таркибидаги функционал қийматларини аниқлаш талаб этилади [1; 16-18].

Сўз ифодаловчиси ёки номемаси ясалишининг энг муҳим қурилиш материали бу ундош товушлардир. Юқорида эслатилганидек, онг тараққиёти билан боғлиқ равишда тушунчалар миқдорининг узлуксиз ошиб бориши ўз-ўзидан тушунчаларнинг “тутқичи”, фарқлаб кўрсатувчиси, белгиси бўлган сўзлар товуш томонларининг ҳам миқдоран кўп бўлишини талаб этар эди. Унли товушлар миқдорининг озлиги, уларнинг бир-бири билан боғлана олмаслиги (турли комбинацияларга кириша олмаслиги) бу товушлар ёрдамида номемалар ҳосил қилиш имкониятларини чеклаб қўяди. Юқорида эслатилганидек, янгидан янги тушунча (маъно)ларнинг узлуксиз равишда кўпайиб бориши кишилардан бошқа тип (тур)даги товушларни ҳам вужудга келтириш заруриятини келтириб чиқарди. Бу эса одамлардан унли товушлар ҳосил қилинадиган бўғиз, томоқ, оғиз бўшлиғидан бошқа артикуляция ўринларини ишга солиш, шунингдек, нутқ органлари ёрдамида турли-туман тўсиқлар ҳосил қилиш, ҳар бир нутқ органи ҳолатидан кўпроқ фойдаланиш каби усуллар топишни тақозо этар эди. Ана шунга жавобан бўғиз, тил, лаб, бурун каби ўринлардан фойдаланиш, тилни қаттиқ, юмшоқ танглайларга, тишга теккизиш (жипслаш) каби усуллар ёрдамида катта миқдордаги ундош товушлар ҳосил қилинди. Вужудга келтирилган сонор, жарангли, жарангсиз ундош товушлар ва унлилар ўзаро боғланиб, кўп миқдордаги номемаларни шакллантирди. Ундошлардаги сонорлик, жаранглилик, жарангсизлик каби акустик сифатлар лексик акустик белгиларнинг ўзаро фарқланишига самарали хизмат қилди. Унли+ундош, ундош+ундош каби синтагматик боғланишларнинг турли вариантлари катта миқдордаги номемалар миқдорининг вужудга келишига асос бўлди.

Ўз-ўзидан тушуниладиган, ҳар бир миллий тил ундошлари ўзига хос хусусиятларга, тизимларга эга. Шунга қарамасдан, ҳар бир тилдаги ундошларнинг шу тил номемалари таркибидаги ўрни, фонологик аҳамиятлари ҳозирга қадар жиддий ўрганилмай келинмоқда [2; 14-16].

Ҳар бир миллий, хусусан, ўзбек тили сўзлари ифодаловчи (номема)ларининг тузилиш хусусиятларини ўрганиш ҳозирги долзарб муаммодир. Зеро, бундан, аввало, фонетика ва фонологиямиз катта фойда кўради. Бунга сабаб белги мақомидаги номемалар тизимини ўрганиш давомида ўзбек тилининг, аввало, адабий тилимиз сўзларининг фонематик структураси тўлиқ тадқиқ этилади. Бунда мавжуд сўзларимиздан ҳар бирининг неча фонемадан иборат эканлиги, ҳар бир фонеманинг



қайси позицияларда неча марта қўлланилганлиги, фонологик кучли-кучсиз ўринлар, фонеманинг шу асосдаги фонологик қийматлари аниқланади. Иккинчи томондан, бир товушли, икки товушли, уч товушли каби номемалар аниқланиб, бу номемаларнинг белги сифатида нутқий қўлланишидаги акустик хусусиятлари, ўз ифодаланмишига муносабатлари белгиланади. Бу тарздаги тадқиқотларнинг нафақат фонология-фонетика, белгишунослик, балки сўзларни компьютерлаштириш учун ҳам аҳамияти каттадир.

References:

1. Абдуазизов А.А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1967. – 22 с.
2. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 19
3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995. – 132 б.
4. Бозоров О., Раҳимова М.О. Тилни тадқиқ этиш: лингвоцентризм ва антропоцентризм // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Филология фанлари доктори, профессор А.Нурмонов хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2018. – Б. 3-6.
5. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 32.
6. Маҳмудов А. Ўзбек адабий тилида сўзларнинг фонетик структураси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, 2-сон. – Б 33-41.